



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 26 июл, жума № 119 (1336)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



Икром ХАСАНОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

БОКС БЎЙИЧА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА ЮКСАК НАТИЖАЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН СПОРТЧИЛАРИМИЗДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ҲАҚИДА

Ватанимизнинг шон-шухрати ва шарафини юксалтиришдаги катта хизматлари, бокс бўйича 2002 йилда Малайзияда бўлиб ўтган Осийё чемпионатида мардлик ва жасурлик намунасини кўрсатиб, пар берилсин:

«Ўзбекистон ифтихори»

- Бердиев Икром Нугманович** - Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлимининг инспектори
- Дониёров Тўлашбой Ашуралиевич** - Наманган Давлат университетининг талабаси
- Михайлов Сергей Егорович** - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ҳарбий хизматчиси
- Сарсекбаев Бахит Абдурахманович** - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ҳарбий хизматчиси
- Хидиров Бекзод Султанмуратович** - Ўзбекистон жисмоний тарбия институтининг талабаси
- Хусанов Шерзод Алимович** - Фарғона вилояти «Динамо» спорт жамаиятининг йуриқчиси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

Усмонов Хабибулла Исроилович - Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясига қарашли Тошкент шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийи

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2002 йил 25 июл


Пойтахтимиздаги «Тошқўқимчилик» очик турдаги хосадорлик жамаиятида 7200 дан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Корхона айни кунда ишлаб чиқараётган 20 турдан ортиқ маҳсулотлар хорижга, асосан Россияга экспорт қилинмоқда.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш меҳнаткашлар манфаатдорлигини таъминлашда эканлигини яхши тушунган корхона раҳбарияти ва касаба уюшма кўмитаси ижтимоий ҳимояга муҳим эътибор қаратмоқда. 2002 йилнинг ўтган ойлари мобайнида кор-

хона ўз ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида 1 миллион 600 мннг сўмлик маблағ ажратди. Бошланғич касаба уюшма ташкилоти томонидан эса бу мақсад учун 600 минг сўм сарфланди. Жумладан, яқинда қарияларни кадрлаш йили муносабати билан ўтказилган тадбирда фахрий ишчилар эъозланиб, уларга қимматбахо эсдалик совғалари топширилди.

Суратларда: корхона ҳаётдан лавҳалар.

Икром ХАСАНОВ олган суратлар.



МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Тойлоқ туманидаги «Ада» шўба корхонаси негизда «Adas Agro Invest» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ташкил этилди. Корхона мева-сабзавотларни қайта ишлаш ҳамда бир неча турдаги вино маҳсулотлари тайёрлаш билан шуғулланади. Шунингдек, тайёр маҳсулотнинг салмоқли қисми хорижга экспорт қилинади.

Таъкидлаш жоизки, туман асосан мева-сабзавот етиштиришга ихтисослашган. Бу йил туман деҳқонлари галлячилик, сабзавотчилик, боғдорчиликда яхши натижаларга эришмоқда. Узумдан ҳам яхши ҳосил олинса, даромад ҳар қачонгидан кўп бўлади. Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар эса туманда кам. Мазкур корхонанинг ишга туширилиши нафақат Тойлоқда, балки вилоятдаги бошқа туманларда етиштирилаётган турли маҳсулотларни қайта ишлаш ва сотиш имконини беради. Бу эса ҳўжаликлар ва корхона учун катта фойда манбаидир. Корхона америкалик ҳамкорлар томонидан қисқа вақт мобайнида хориж технологияси билан таъминланди.

Биз асосан узумни қайта ишлашимиз, - дейди корхона бош директори Носир Қўзиев. - Бу эса чет эл инвестициясини жалб этишга имконият яратади. Ҳозир республикамиз далаларида галля ўрми-йигими ниҳонига етмоқда. Бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ҳам етилиб қолди. Корхонада мавсумга тайёрларли ишлари якунланмоқда. Тайёр маҳсулотларни сотиш учун тумандардан деярли барча ҳўжаликлар ва Қашқадарь вилоятидаги ҳўжаликлар билан шартнома тузиб кўйдик.

Қўшма корхонада 40 киши ишлади. Келгусида 7 мннг тонна узумни қайта ишлаб, шунинг ҳисобидан мавсумий иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

(ЎзА).

ЭРКИН ЯНА ШОҲСУПАГА КЎТАРИЛДИ

Мамлакатимизда Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани Ватанимиз шухратини бутун дунёга ёйишига хизмат қилаётди.

Таиланд пойтахти Бангкокда спортнинг муайтай (тайбокс) тури бўйича ўтказилаётган жаҳон чемпионатида эллиқдан ортиқ мамлакатдан спортчилар, жумладан, Ўзбекистон терма жамоасининг 9 нафар вакили иштирок этаётгани, мусобақаларда ҳамюртларимизнинг қўли баланд келаётгани ҳақида илгари ха-

бар қилган эдик.

Бангкокдан яна бир хушхабар келди. Муайтай бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийси Замирбек Қосимбековнинг маълум қилишича, беллашуларда мамлакатимиз спорт шарафини ҳимоя қилаётган Эркин Қутибаев тўртинчи бор жаҳон чемпионлиги шохсупасига кўтарилган.

Спорт устаси Шерзод Шарипов чемпионатнинг кумуш, Жасур Нурмухамедов ва Жаҳонгир Фуломов эса бронза медаллари соҳиби бўлди.

(ЎзА)

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

ОИЛАВИЙ ПУДРАТ — ҚУДРАТ

Риштон туманидаги М.Топиболдиев номли ширкат ҳўжалиги кейинги йиллар давомида туманда ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида илгорликни қўлдан бой бермаяпти. Маъмурият ва касаба уюшма кўмитаси ўртасида пухта ишлаб чиқилган жамоа шартномаси талабларига қатъий амал қилинаётганлиги ва оилавий пудратчилар билан тузилган ички шартнома шартлари изчил бажарилаётганлиги ютуқлар гарови бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамаси мажлисида таъкидлаганидек, ҳосилнинг тақдири яъни биз керакли микдордаги галлага, пахтага, бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларига эга бўламизми, йўқми — бу масала айнан ана шу шартномаларнинг бажарилишига, бир томондан ҳўжалик, иккинчи томондан эса пудратчи ўз зиммасига олган барча мажбуриятларини тўлиқ адо этишига боғлиқ эканлиги ҳўжалигимиз фаолиятида ўз аксини топмоқда, - дейди ширкат бошқаруви раиси Шавкатжон Собиров. — Кейинги йилларда қўлга киритаётган меҳнат ютуқларимизнинг асосий омилли оила пудратчилари билан тузилган ички шартномага қатъий амал қилаётганимиз, касаба уюшма кўмитаси билан ҳамкорликда аъзоларимизнинг унумли иш-

дорлиги ҳам юқори бўлади. М.Топиболдиев ширкат ҳўжалиги галла етиштиришда ҳам туманда энг юқори кўрсаткичга эришди. 18 июн кунинёқ давлатга 1904 тонна дон сотиб, буюртма режасини туманда биринчи бўлиб урдалаган жамоа мавсум якунига кўра ҳокимлик томонидан «Тико» автомобили билан тақдирланди.

Энг муҳими оилавий пудрат асосида галла етиштирган одамларнинг моддий манфаатдорлиги ҳаммани қувонтирди. Бошқача қилиб айтсак, ҳўжалик билан ички шартнома тузиб, юқори ҳосил етиштирган галлакорларнинг уйи донга тўлди.

Мисол учун беш экин майдонида 71,2 центнердан ҳосил етиштирган пудратчи Рўзали Тўйчиев 7 бўлими 3-банди эътиборида бўлган январ, феврал, июн, июл ойлари учун ширкат аъзолари иш ҳақларига 20 фоиз, чўл ва дашт худудлардаги бригада аъзоларига эса йил давомида иш ҳақиқа 10 фоиздан кўшимча ҳақ тўлаб борилиши белгиланган экан. Бошқа ширкат ҳўжаликларига ибрат бўлиши мумкин бўлган бу ахдлашу ҳўжалик маъмурияти томонидан тўлиқ бажариляпти.

Одамларнинг моддий манфаатдорлиги юқори бўлган жойда меҳнат унум-

ни ижтимоий муҳофаза қилишга ҳам катта эътибор берилляпти. Бу мақсад учун ҳўжалик ушбу йилнинг дастлабки 6 ойида 1049150 сўм маблағ сарфлади. Меҳнат муҳофазаси учун ажратилган маблағ ҳар бир аъзо ҳисобига 23 минг 369 сўмини ташкил этди.

Ҳўжалик касаба уюшма кўмитаси раиси Баҳромжон Эгамназаровнинг таъкидлашича, қарияларни кадрлаш йили муносабати билан 25 нафар меҳнат фахрийси ҳўжалик ҳисобидан турли сийҳат-гоҳларга юборилди. 20 нафар ширкат аъзоси эса М.Топиболдиев номли, «Чимён», «Зиллол», «Шаҳанд» сийҳатгоҳларида дам олиб келишди. 100 нафар ўғил-қиз ҳўжалик ҳисобидан ёзги оромгоҳларда дам олишди.

Ҳўжаликда маданий тадбирларга ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Бригадаларо турли спорт мусобақалари ўтказиш одат тусига кириб қолган. Вақти-вақти билан таниқли санъаткорлар ҳўжаликка тақлиф қилинмоқда.

М.СОБИТОВ, «Ишонч» муҳбири.

ИСТИҚБОЛНИ ЎЙЛАБ

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси М.Ерниёзов республикада фаолият юритаётган тадбиркорлар билан учрашди. Учрашувада тадбиркорлар, адлия вазирлиги, марказий банк, Бизнес фонд, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раҳбарлари иштирок этди.

Унда Қорақалпоғистонга мини технологиялар ва асбоб-ускуналар келтириш, чет эл сармоясига ҳисобига қўшма корхоналар очиш, маҳаллий маҳсулотларни четга экспорт қилиш хусусида сўз юритилди ва бу борада тадбиркорларга тўсиқ бўлаётган муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари хусусида фикр алмашилди.

«Ишонч» фойш этади

ТАДБИРКОР ЙЎЛИДАГИ СУНЪИЙ ҲОВ ТАРАҚҚИЁТГА ТУШОВ

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, судлов жараёнининг барча босқичларида прокурор ва адвокатнинг тенглиги, ҳўжалик судларида ҳўжалик низоларини кўриб чиқишда томонларнинг ҳуқуқларини таъминлаш тадбирларини изчил амалга оширилмоқда.

Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни қабул қилингандан сўнг бу борадаги ишлар янада жадаллашди. Амударё туманида ҳам кейинги йилларда фуқаролар ва прокуратура ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги қонунбузарликларнинг олдини олишда муҳим омил бўляпти. Бир мисол. Аллам Жумабоев туман ветеринария назорати инспекциясида дезинфекцияловчи врач бўлиб ишлаб келган. 1977 йил хизмат вазифасини бажариш чоғида олган жароҳати туфайли тиббий эксперт хулосасига кўра, унга иккинчи гуруҳ ногирони белгиланиб, ижтимоий таъминот бўлими томонидан Вазирлар Маҳкамаси қарори ҳамда МКнинг 190-моддасига асосан етқа-

зилган зарар ўртача ойлик ҳисобидан ҳар ойда тўланиб келинган.

Шу билан бирга иш бевуэчи касб касаллигига чалинган ходимнинг даволаниши билан боғлиқ барча харажатларини ҳам қоплаши лозим эди. Аммо мазкур корхона раҳбари буни билса-да, унга рисоа этишини эп кўрмади. Прокуратура аралашувидан сўнг А.Жумабоевнинг ҳақли талаби қондирилди.

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида, «Бир нарсани барчамиз яхши англашимиз лозим: яъни ўз мудаоаларимизга эришиш учун аввало, раҳбарлар ва масъулиятли лавозимларда ўтирган кишилардан биринчи галда одамлар таъмини ва интилишлари билан яшаш талаб этилади», деб таъкидлаб ўтган эдилар. Бундай ҳислатларни ҳар биримиз қалбимизга жо қилиб, қундалик ишимизнинг бош мезонига айлантормоғимиз лозим. Бирок кишилар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этишда ҳамон сунъий тўсиқлар учраб турганлиги ажабланарли ҳол.

(Давоми 2-бетда).

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ТОШКИН ХАВФИ

Олимларнинг гувоҳлик беришича, кейинги 150 йил мобайнида Шимоллий ярим шарда ҳарорат ўртача 0,6 даража ортган. Бу ҳолат бундан буён ҳам давом этиши мумкин.

Эҳтимолики, шунинг оқибати, кейинги пайтда жуда кўплаб сув тошқинлари кузатилмоқда; бутун-бутун қишлоқлар харобага айланиб, қурбонлар берилмоқда. Приморье ўлкасида тинимсиз ёғаётган ёмғир шундоқ ҳам оғир иқтисодий вазиятни бошдан кечираётган узок шарқликларни қийин ахлолга солиб қўйди. Сув тошқини оқибатларини бартараф этиш учун махсус тайёрларидан ўтган 400 нафардан зиёд киши ва қарийб 100та техника жалб этилди.

Аммо хавф ҳозирча чекингани йўқ. **КОНГРЕСС МАЪКУЛЛАДИ**

Яқин Шарқда юзага келган вазиятни тинч ва адолатли йўл билан барқарорлаштиришга бўлган уринишлар бирин-бирин барбод этилаётгани барчани ташвишга солмоқда. Бирон кун йўқки, қандайдир хунрезлик юз бермаган бўлса.

Кунин кеча АҚШ конгрессининг вакиллар палатаси Исроилнинг террорчиларга қарши қаратилган операциялари учун 200 миллион доллар ажратиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини маъқуллашнинг билдирди. Айнан шу қарорга биноан, аммо бевосита Фаластин раҳбарияти

қўлига топширилмаслик шартли билан, фаластинликларга ҳам инсонпарварлик ёрдами учун 50 миллион доллар берилмайдиган бўлди.

НОМЗОДЛАР ЎНДАН ОРТИК

Эквадор Лотин Америкасининг бошқа мамлакатлари каби анчайин нотинч ўлкалари сирасидан. Унинг, айниқса, Перу билан ҳудудий могорага тортилганлиги ҳам вақти-вақти билан осойишталигини издан чиқариб туради. Шу боис бу ерда тез-тез раҳбар алмашуви одатий ҳолга айланган.

Мамлакат Марказий сайлов комиссияси раиси Карлос Агиннинг маълум қилишича, шу йил 20 октябрда президентлик сайлови ўтказилади. Ҳозирча ушбу лавозим учун ўндан ортиқ киши номзодини кўрсатган. Шунингдек, киши учун парламент ва маҳаллий органлар учун ҳам сайлов ўтказилиши режалаштирилмоқда.

БИР НЕЧА БОСКИЧДА

АҚШ тарихида энг йирик ҳарбий машқ таърифини олган «Millennium Challenge-2002»да жами 13,5 мннгдан зиёд ҳарбий хизматчи қатнашмоқда. Ушбу машқ бир неча босқичдан иборат бўлиб, у мамлакат ҳудудидаги 26 ҳарбий базани қамраб олади.

БАЙРАМ КУНЛАРИДА

Шу кунларда Миср инқилобининг эллиқ йиллиги муносабати билан мамлакатда кўтаринки қайфият ҳўкм сурмоқ-

да. Феодал тузумдан халқ идора қиладиган тузумга ўтилганлиги кенг нишонланмоқда. Ўтган вақт мобайнида таълим тизимида катта ўзгаришлар юз берди, йирик корхоналар барло этилди, соғлиқни сақлаш соҳаси сезиларли даражада ривож топди.

Лекин бу ижобий ўзгаришлардан тўғри хулоса чиқараётган ношуқур кишилар ҳам бор экан. Кунин кеча Миср полицияси «Муслмон биродарлар» ташкилотига аъзолликда гумон қилинаётган ўттиздан зиёд шахсни ҳибсга олди. Гуруҳнинг асосий қисми талабалардан иборат. Энг ачқинарлики, ҳибсга олинганлар орасида бир қанча зиёдилар — ўқитувчилар, адвокатлар, тадбиркорлар, ҳатто шифокорлар ҳам бор.

ХАЛҚАРО БАНКНИНГ 184-АЪЗОСИ

Ҳа, бир неча йиллардан бери ўз мустақиллиги учун курашган ва охир оқибат ниятига эришган Шарқий Тимор халқаро ташкилотлар томонидан аъза-секинлик билан эътироф этилмоқда. Истиклолга эришганидан икки ой ўтиб, ушбу мамлакатни Халқаро реконструкция ва тараққиёт банки ўз сафига қабул қилди.

Экспертларнинг таъкидлашича, бу аъзоллик нафақат иқтисодий, балки, сиёсий барқарорликка ҳам самарали хизмат қилади.

Жамоа шартномаси: у қандай бажарилмоқда?

Кейинги йилларда жамоамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот микдори кўпайиб, сифати яхшиланмоқда. Кайта ишланган пахта толаси Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Корея ва бошқа давлатларга жўнатиляпти. Бу эса ўз навбатида меҳнаткашлар фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

мларининг барчаси тайёр ҳолатга келтирилди. Лаборатория, тоштарозилар ҳам таъмирдан чиқарилди. Жамоамизда маданий ҳордиқ чиқариш,

ИШЧИЛАРГА ИМТИЁЗЛИ ЙЎЛЛАНМА

Хусусан, корхона маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси ўртасида имзоланган жамоа шартномасида ишчи-хизматчиларга техника хавфсизлиги, меҳнат ҳамда дам олиш шароитларини яратиш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш бандлари киритилган. Жамоамизда меҳнат қилаётган аёлларнинг иш вақти бир соатга қисқартирилган. 3 ёшгача фарзандини тарбиялаётган аёлларга кўшимча имтиёзлар берилган. Шу йили аёллар байрами муносабати билан 100 нафар хотин-қизга қимматбахо совғалар тарқатилди. Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан 57 нафар қарияга моддий ёрдам кўрсатилди. Нафақага чиққан 2 нафар фахрийга санаторийга бепул йўлланма берилди. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришда юксак натижаларга эришган

ҳодимлар ҳам рағбатлантириб борилмоқда. Уларга кўшимча бир ойлик иш ҳақи тўланмоқда. Ишчилар ёрдамчи хўжалиқда етиштирилган сут маҳсулотлари билан доимий таъминланяпти. Яна бунга кўшимча равишда бир маҳал иссиқ овқат ташкил қилинган. Бизда меҳнат муҳофазаси қатъий эътибор остига олинган. Ҳар йили ишчиларимизга махсус кийим-бош берилади. Ишчи-хизматчилар учун тиббий пункт ишлаб турибди. Улар ҳар йили тиббий кўриқдан ўтказилиб, касаллиги аниқланганлар имтиёзли йўлланмалар билан санаторий ва профилакторийларга жўнатиляпти. Шунини алоҳида айтиб ўтиш керакки, корхонамизда маошлар ўз вақтида бериб борилмоқда. Айни пайтда даргоҳимизда янги мавсумга тайёргарлик ишлари кетмоқда. 126 та пахта қабул қилиш майлаб чиқаришда юксак натижаларга эришган

турли спорт мусобақалари ўтказиш одат тусига кирган. Ҳар йили футбол мусобақаси ўтказилиб турилади. Ғолиб чиққан жамоага 50 минг сўм микдорида мукофот белгиланган.

Маъмуриятимиз ҳомилийк ишларини ўз ўрнига қўйиб келмоқда. Тумандаги 35-мактаб оталиққа олинган. Тез тиббий ёрдам маркази қурилишига 500 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди.

«Галаба» ширкат хўжалиғида жойлашган оромгоҳга ҳам моддий кўмак берилди. Айни кунларда бу ерда завод меҳнаткашларининг фарзандлари ҳордиқ чиқаришмоқда.

Хусанбой ЮСУПОВ, Андижон вилоятидаги «Чинобод пахта тозалаш» хиссадорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси раиси.

ХАРИДОРГИР КИЙИМ-КЕЧАК

Тошкентдаги «Тонг» хиссадорлик жамиятида бугунги кунда эркаклар ва аёллар ҳамда болалар учун жаҳон талабларига мос етмишга яқин андаза бўйича кийим-кечак, жумладан, пальто, плаш, костюм ва куртқалар тикилмоқда. Бу маҳсулотларга нафақат мамлакатимиз, балки хорижий, айниқса, МДХ давлатларида ҳам талаб катта.

Корхона замонавий ускуналар билан жиҳозлангани туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайди, маҳсулот сифати яхшиланди. Йил бошидан буён салкам 850 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўпдир.

(ЎЗА).

Вазирлар Маҳкамасининг қарори амалда

МАОШДАН ҚАРЗДОРЛИК

тугатиляпти

Ўзбекистон енгил, меҳнат саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитаси ўзининг навбатдаги раёсат мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори тармоқ корхоналарида қандай бажарилаётганини муҳокама қилмоқчи.

— Биз мазкур қарорни тўлақонли бажариш мақсадида «Ўзбекгоғозсаноат», «Ўзбекипапи», «Ўзбекчармпойабали» уюшмалари ҳамда «Ўзокомункизмат» агентлиги, Кўзи охижлар ҳамда Карлар жамиятлари марказий бошқарувлари, республика ёнингга қарши кураш жамияти билан кўшма қарор қабул қилдик, — дейди Марказий кўмитанинг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш бўлими бош мутахассиси Турсунқўжа Тошқўжов. — Айни кунларда вилоят, шаҳар ва туман тармоқ касаба уюшма кўмиталари, шунингдек, ҳар бир бошланғич ташкилот мана шу кўшма қарор асосида изчиллик билан фаолият кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат, кейинги пайтда тармоқдаги корхоналарда иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун мавжуд барча имкониятлар ишга солинимок-

да, раҳбарларнинг масъулияти оширилмоқда. Дастлабки натижаларга мурожаат этадиган бўлсак, ижобий ўзгаришлар кўзга ташланаётганлигини гувоҳи бўлиш мумкин: жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида иш ҳақидан қарздорлик 1,341 миллион сўмга етган бўлса, сўнгги бир ой ичида мазкур рақам 230 миллион сўмга камайди. Амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар бошланғич ташкилотларда ҳам ўз самарасини бермоқда. Масалан, Андижон кўзи охижлар ўқув-ишлаб чиқариш корхонасида иш ҳақидан қарздорлик 2 миллион 100 минг сўмдан 690 минг сўмга, Самарқанд ўқув-ишлаб чиқариш корхонасида эса 1 миллион 90 минг сўмдан 680 минг сўмга камайишига эришилди.

Тошкент шаҳар тармоқ касаба уюшма кўмитасида иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш юзасидан корхона раҳбарлари билан мунтазам равишда музокаралар олиб борилмоқда. Уларнинг ҳисоботлари таҳлил этилиб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланмоқда. Натижаси ўлароқ

«Юлдуз» хиссадорлик жамияти, «П.Э.П.Лифт» корхоналаридаги маошдан қарздорлик бартараф этилди. «Лифткоммунсервис» корхонасининг қарздорлик муддати икки ойга қисқарди. Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси томонидан қўрилган тадбирлардан сўнг «Тошшаҳарнур», «Шаҳарйўлқурилиштаъмирлаш» ва «Антикор» корхоналарида ҳамда «Махсустрон» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам бу борада қувончли натижаларга эришиляпти.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, кейинги пайтларда мазкур муаммони ҳал этишда касаба уюшмалари ҳамда прокуратура ходимларининг ҳамкорлиги яхши самара берапти. Чунончи, Андижон вилоят тармоқ касаба уюшмалари кўмитаси ҳамда прокуратура ходимларининг биргаликда амалга оширган тадбирлари натижасида «Андижонгазтаъминот» шўъба корхонаси, «Вилоятсувоқова» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Само» ва «Ёришлоқ» хиссадорлик жамиятларида иш ҳақидан қарздорлик бутунлай тугатилди.

Н.РАФИҚОВ, «Ишонч» мухбири.

НУФУЗЛИ ЛОЙИҲА

«ТАСИС-EDUZ-98» деган мавзуга бағишланган халқаро лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари иштирокида қатор муҳим маърифий тадбирлар кўрилмоқда. Бундай йирик таълимий жараёнда республикамиздаги қатор касб-ҳунар коллежлари бош иш тажрибалари қўл келмоқда.

Тошкент вилоятининг Янгиобод шаҳридаги радиотехника коллежида қўлланилаётган илгор педа-

гогик технологияларга доир эришилаётган ютуқлар нуфузли лойиҳа доирасида босмага тайёрланаётган ўқув адабиётларида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

«Бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш сари йўл» деб номланган тўплаш ҳам юзага келди. Коллежни молиялаштиришга оид материаллар ушбу нашрга киритилди.

«Ўқитувчининг адаптацияси сари йўл» деган қўлланма ҳам мутахассислар томонидан ижобий баҳоланди.



Қибрай туманида фаолият кўрсатётган тадбиркор Шоира Мирзахмедова раҳбарлик қилаётган «Шоира» хусусий фирмасида 10 нафар кишлоқ хотин-қизлари меҳнат қилмоқда. Айни вақтда қўли гул чеварлар томонидан 15 хилдаги кийим-кечаклар тайёрла-

ниб, харидорларга етказиб берилмоқда. Асосан буюртма асосида тикилаётган бу маҳсулотлар харидорларга манзур бўлмоқда.

Суратларда: фирма фаолиятдан лавҳалар.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.



ТАДБИРКОР ЙЎЛИДАГИ СУНЪИЙ ҒОВ ТАРАҚҚИЁТГА ТУШОВ

(Боши 1-бетда).

Шундай бўлганда «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги тракторчиси Комил Матниёзов хизмат вази-фасини бажариб турган пайтда жароҳатланиб, тиббий экспертиза хулосасига кўра, ногиронлик нафақасига чиққан, етказилган зарарни амалдаги қонунга кўра хўжалик ҳисобидан қоплатиш учун йиллаб саргардон бўлиб юрмасди. Энг ачинарлиси, ширкат хўжалиги мутасаддилари К.Матниёзовга етказилган зарар учун ўртача ойлик ҳисобидан маълум фойзни тегишли қарорга асосан тўлашни йўлга қўйиб, кейинчалик хоҳласа уни тўлаган, хоҳламаса...

Қишлоқда ислохотларнинг жаддаллашуви, аҳолини иш билан таъминлаш тадбиркорлигининг нечоғли ривожланишига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Туман прокуратураси томонидан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган қонунлар ижросини таъминлаш борасида ўтказилган текширишлар нимани кўрсатади? Мазкур қонунларда тадбиркор ва ишбилармон фаолиятини ривожлантириш учун етарлича шарт-шароитлар яратиш бериш кўзда тутилганлигига қарамай, улар йўлига сунъий тўсиқ қўйиш ҳамон давом этмоқда.

Эътиборни мана бу мисолга қаратасак. «Зарбдор» ширкат хўжалиғида яшовчи бир гуруҳ фуқароларнинг аризаси юзасидан ўтказилган текширишда аниқланишича, ўтган йили ширкат аъзоларининг умумий йиғилиш қарорига кўра, У.Абдуллаев, М.Хўжаметов, Р.Уббонинёзов, О.Бобожонов, С.Ситаматов, Д.Бўронов, М.Садуллаев, У.Шомуродов, Н.Холназарова, Г.Қазоқова, Ш.Худойберганова, О.Матниязов, М.Ўразбоевларнинг ҳар бирига пахтачилик соҳасида

фаолият юритишлари учун 10 гектардан, фуқаролар К.Абилгазиева, О.Холбоев, Р.Еримбетовларнинг ҳар бирига сабзавотчилик билан шуғулланишлари учун 3 гектардан ер ажратиб беришга келишилган.

Ана шу йиғилиш қарори туман ҳокимлигига тақдим қилинган. Бироқ, туман ҳокимлиги мутасаддилари Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаати тўғрисида»ги ҳамда «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги Қонунлари талабларини бузиб, бир йил давомида ҳам масалани ҳал этмаганлигини қандай тушуниш мумкин?

Фермерларга сунъий тўсиқлар қўйилаётганини мана бу ҳолатда ҳам кўриш мумкин. Шу ширкатдаги «Ғаний», «Абдулла», «Зулфия», «Нур» фермер хўжаликлари ўз фаолиятларини янада ривожлантириш учун кўшимча ер сўрашган. Мазкур фермерлар аввалги йиллардаги табиий қийинчиликларга қарамай яхши натижаларга эришган бўлишса-да, негадир улар талаби қондирилмаган. Энди уйлаб кўринг, меҳнат қилиб одамларга наф келтираётган, кишиларни иш билан таъминлаб, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаётган кишилар йўлига тўғаноқ бўлаётганлар тараққиётга, ислохот йўлига ҳов бўлишаётганини нахотки биллишмасан? Кеч бўлса-да, уларнинг талаби қондирилиб, айбдорларга нисбатан маъмурий чора кўрилди.

Бозор талаби қатъий. Унинг ўзига ҳос қонун-қондалари бор. Уларга риоя этмаган, масъулиятини ҳис қилмаган киши доғда қолиши турган гап. Бахтга қарши Амударё туманидаги айрим ширкат хўжаликлари раҳбарлари ҳамон эскича услубдан воз кеча олмаётирлар.

Яқинда «Кангли» ширкат хўжалигининг бир гуруҳ ишчилари ма-

ошини вақтида ололмаётганликларини билдириб, прокуратурага мурожаат этишди. Аҳвол таҳлил этилганда хўжалиқда имкониятлар бўлишига қарамай меҳнат қонунлари ва жамоа шартномаси қўпол равишда бузилаётганлиги аниқланди. Нера, деган ҳақли савол туғилади.

Хукуматимиз томонидан қабул қилинаётган қарорлар ва қонунларнинг барчасида ҳам даставвал инсон манфаатлари устувор эканлиги ўз ифодасини топган. Лекин жойлардаги айрим мутасаддилар бозор талабларига жавоб беролмай, ишининг орқага кетишига сабаб бўлишяпти.

Шу ўринда бир муаммо хусусида. Фуқаролар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этишда ҳуқуқ-тартибот идоралари қаторида Фуқаролик ишлари бўйича суднинг алоҳида ўрни бор. Ҳозирги кунда туманда 150 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Кўриниб турибдики, аҳоли сонига эътибор қаратилмаган бўлса, ўз-ўзиндан бу ердаги ташвишлар ҳам етарли эканлигини аниқлаб олиш қийин эмас. Аммо прокуратура кўриб чиққан ишларни фуқаролик ишлари бўйича судга ошириш учун Беруний туманига, яъни ўз километрдан ортик масофага боришга тўғри келяпти. Бу — фуқароларнинг шунча масофадан судга қатнашига ва кўрилаётган ишларнинг натижаси узок вақт қўзғилишига сабаб бўляпти. Амударё туманида ҳам Фуқаролик ишлари бўйича суд ташкил этилса, одамларнинг яна бир орзуси ушаларди.

Холмурод БАҲРОНОВ, Амударё туман прокурори, адлия маҳаббатчиси. **Абдусами ХАҚБЕРДИЕВ,** «Ишонч» мухбири.

Америка Қўшма Штатларининг «Бағдолдаги сиёсий муҳитни ўзгартириш» билан боғлиқ кўраётган чора-тадбирлари ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қурол-яроч бўйича инспекторларини Ироқ ҳудудига киритиш билан боғлиқ масаланинг ҳал қилиниши бугунги кунда жаҳон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилаётган асосий мавзулардан бири бўлиб қолади. Бу масалаларнинг биринчисига турли мамлакатларнинг ёндашувлари турлича бўлса, иккинчисига ёндашувлар деярли бир хил. Бугунги куннинг бу долзарб масалаларига биз ҳам ўз муносабатимизни билдириб, ҳолисона фикр-мулоҳазаларимизни баён қилмоқчимиз.

Авалло, БМТнинг Ироқ билан муносабатларига эзоҳ бериб ўтасак. Мана бир неча йилдики, БМТ ўзидаги маълумотларга асосланиб, Ироқда яширин равишда инсоният учун қатта хавф туғдирадиган химиявий ва биологик қуроллар ишлаб чиқариляпти, деб ҳисоблайди. Ироқ эса буни рад этмоқда. БМТ инспекция, яъни текшириш ўтказишни талаб қилди. Дастлаб Ироқ бунга рухсат берди. БМТнинг ваколатига эга бўлган инспекторлар бир неча марта мамлакат ҳудудида иш олиб боришди. Ана шу даврда улар бир неча марта Ироқ ҳудудидан чиқариб юборилди ҳам. Охириги марта бундай ҳолат бундан уч ярим йил олдин юз берди. Шундан кейинги даврда ҳам Ироққа нисбатан гумон тўхтамади, ўз навбатида Ироқ ҳам гумонни рад этишини қўймади.

Жаҳон ҳамжамиятининг аксарият етакчи давлатлари ҳозир ҳам Ироқда химиявий ва бактериологик қуроллар ишлаб чиқариляпти, деган фикрда. Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб, БМТ бу мамлакат ҳудудида текшириш ва назорат учун яна ўз инспекторларини киритишни зарур деб топди. Бироқ, Ироқ ҳукумати рад жавобини берди. Шу йил июл ойининг

иккинчи хафтаси бошида БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши Ироқ ҳукуматини ҳеч қандай шартларсиз ва зуд-

ДИПЛОМАТИЯ — ЭНГ КУЧЛИ ҚУРОЛ

лик билан инспекторларни киритишга рухсат беришга чакирди. Аммо ҳали ижобий жавоб олингани йўқ. Афтидан, БМТ билан Ироқ ҳукумати вакиллари ўртасида қандайдир масола ҳал қилинган бўлиши мумкин. «Маълум даражада олдинги сил-жишлар бор, бироқ бу ҳали етарли эмас» дейди мухбирларга берган интервьюсида БМТ бош котиби Кофи Аннан.

Америка Қўшма Штатлари Ироқни нафақат химиявий ҳамда бактериологик қуроллар ишлаб чиқараётган деб ҳисоблайди. Айниқса, Саддам Хусайннинг номи АҚШ хавфсизлигига хавф туғдирадиган давлат деб ҳисоблайди. Айниқса, Саддам Хусайннинг номи АҚШ хавфсизлигига хавф туғдирадиган давлат деб ҳисоблайди. Айниқса, Саддам Хусайннинг номи АҚШ хавфсизлигига хавф туғдирадиган давлат деб ҳисоблайди.

Албатта, АҚШ фақат харбий куч ишлатиш йўли билангина Ироқда сиёсий муҳитни ўзгартириши мумкин, деган фикр вазиятни ҳаққоний ифодалай олмайди. Афтидан, АҚШдагилар ҳам, Ироқдагилар ҳам хар-

Шарҳловчи минбари

АҚШ маъмурияти Саддам Хусайнни ҳокимиятдан четлатишни ўзининг сиёсий мақсади деб билади. Ҳозир бу мақсадга эришишнинг турли воситалари мавжудлиги ҳақида фикрлар билдириляпти. Бироқ, АҚШ қайси воситадан фойдаланиши мумкинлигини ҳеч ким билмайди. Россиянинг оммавий ахборот воситаларида Ироққа бир пайтнинг ўзида уч томондан — ердан, ҳаводан, денгиздан зарба берилма- бий тўқнашувни четлаб ўтиш билан ҳам сиёсий муҳитни ўзгартириш мақсади деб билади. Ҳумладан, хорижда ва Ироқнинг ўзида Саддам Хусайн ҳокимиятдан ўз ихтиёри билан кетиб, шу йил кузда бўладиган сайловда ўз ўрнига кичик ўғли Кусайини тавсия эти- ши мумкин, деган гап юрибди. Шунингдек, кузатувчилар орасида агар Ироққа қарши харбий жараёнлар бошлангудек бўлса, мамлакатнинг юқори мартабали харбий арбоблари исён кўтариб, Саддам Хусайнни ҳокимиятдан ўзлари четлата- дилар ва бу мамлакат сиёсий муҳитини ўзгарти- ришга олиб келади, деган тахминлар ҳам йўқ эмас. Назаримда, жаҳон жамоатчилиги кутаётган энг мақбул ечим — бу Ироқ томонидан БМТ хавфсизлик Кенгаши тала- бининг бажарилиши, яъни мамлакат ҳудудида БМТ инспекторларининг киришига ва инспекция ўтказишларига рухсат бе- риш. Эҳтимол шунда харбий жараённинг олди олинар.

Тараққий этган ҳозирги дунёда дипломатия- дан қучлироқ қурол йўқ. Бу қурол муроғасга, қайсарликни енгишга, ён бо- сишга, теран фикр-муло- ҳаза, ақл-идрок билан иш юритишга асосланган. БМТ ва унинг Хавфсиз- лик Кенгаши фақат ана шу қурол ёрдамида ер юзюда тартиб ўрнатади. Шундай экан, БМТ қаро- ри ва талабини бажариши билангина ҳар қандай қўнғилсизликнинг олдини олиш мумкин.

Иброҳим НОРМАТОВ, сиёсий шарҳловчи, «Туркистон-пресс».

ЭЛ НЕТИБ ТОПГАЙ МЕНИКИМ...

Одамки, башар насли силкига эрур пайванд, Сувратда санга волид, маънода санга фарзанд.

Юсуфки, жамол ичра маълум эди монанди, Топмади малоҳатда ҳусини санга монанд.

Исо дамидин ўлганким, руҳ топар эрди, Билгачки, топар дининг, жон топти бўлуб хурсанд.

Даврон чаманидин сен ул лаҳзаки чиқдинг, гул - Тирноғлар ила қилди рухсорини юз парқанд.

Шаҳларга гадо андоқким келди бу кун муҳтож, Тонгла бўлубон шаҳлар эҳсонига ҳоҳатманд.

Гесу сенга бўлмишдур чун силсилаи мақсуд, Мажнунунг эрур жонлар, қил силсила бирлан банд.

Шақкарга узубатда нутқунг, не ажаб, кулса Ким, эринига эш бўлмиш ахлоқ аро шақкарханд.

Йўқ бўлди каломингдин асфори само барча, Асфори самовийдин бўлган киби йўқ «Пожданд».

Не келса Навойига сендин юз эвурмаским, Ул заррадурур, сен - меҳр, ул - бандува сен - хованд.

«Хазойин ул-маоний»нинг биринчи девони - «Фаройиб ус-сифар»дан ўрин олган бу газал пайгамбарлар сарвари Мухаммад алайҳиссалом таърифига бағишланган. Айни жиҳатдан у наът-газал хисобланади.

Тасаввуф фалсафасига кўра Мухаммад нури олам ва одам яратилмасдан бурун ҳам бор эди. Чунки Оллоҳ таолонинг оламни ҳам, одамни ҳам яратишдан мақсади - Мухаммад алайҳиссалом бўлган. Шунинг учун «Киссаи Рабғузий» да бу нур ҳатто Одам алайҳиссаломнинг манглайида порлагани ҳақида хабар берилади.

Маълум бўладики, «гарчи шаклан Одам Ато олдин яратилган бўлса ҳам, моҳиятан, нур сифатида Мухаммад пайгамбарни Худо ҳаммадан илгари яратди. Шу боис Алишер Навоий газалларида сувратда Одам Ато Мухаммадга ота бўлса ҳам, сийратда, яъни моҳиятда Одам Ато Мухаммад пайгамбарга фарзанд маъносига таъсирларга кўп дуч келамиз» (З.Гафоров). Келтирилган газалнинг матлаъси бунинг ёрқин далили:

Одамки, башар насли силкига эрур пайванд, Сувратда санга волид, маънода санга фарзанд.

Мухаммад алайҳиссалом Оллоҳнинг энг сўнги ва комил пайгамбари, барча мавжудот ва махлуқотнинг афзали ҳисобланади. Нафақат инсониятнинг яратилиши, балки Навоийнинг «Муножот» асарига ёзилишича, «Юз йигирма тўрт минг анбиёи мурсал хилқатидин мурод - ул ва барча анга хайл». Шундай экан, у хусну жамолда ҳам, илму ахлоқда ҳам, нубувватда ҳам барча пайгамбарлардан устун. Кўрки чиройида тенгсиз хисобланган Юсуф алайҳиссалом ҳам малоҳатда у зотдан қўйи туради:

Юсуфки, жамол ичра маълум эди монанди, Топмади малоҳатда ҳусини санга монанд. Диний-тасаввуфий адабиётларда айти-

лишича, Оллоҳ таоло хусни юз ҳисса қилган. Тўқсон тўққиз қисмини Момо Ҳавога бериб, бир қисмини бутун дунё аҳлига раво кўрган. Шу бир улушни яна ўнга бўлиб, тўққиз қисмини Юсуф алайҳиссаломга ва бир қисмини бани башарга берган. Энди тасаввур қилаверинг: Юсуф алайҳиссаломда бутун инсониятда мавжуд хусндан тўққиз баробар ортиқ хусн бор. Мисрда етти йил очарчилик бўлганида одамлар Юсуфнинг хуснига боқиб, очликни унутишган. У ҳар куни ўзини халққа кўрсатар ва кишилар унинг хуснидан тўяр эдилар. Шунга қарамай, унинг хусну малоҳати Мухаммад алайҳиссаломга тенглашолмайди. Сабаби, Юсуф алайҳиссаломнинг ҳам, бутун ин-

ҳаматига сазовор ёки лаънатига дучор бўлишни аниқлайдиган, бошқача айтганда, инсоннинг сарагини - сарақка, пучагини - пучакка ажратадиган синов майдони ҳам:

Гесу сенга бўлмишдур чун силсилаи мақсуд, Мажнунунг эрур жонлар, қил силсила бирлан банд.

Соч - тасаввуфий адабиётда моддий дунё тимсоли бўлиб келиши маълум. Демак, шоир мажозий тил билан айтаяптики, Худованди карим бу дунёни сенга ўз мақсадинги амалга ошириш учун восита қилиб берди. Бас, гўзаллар зулфларини тўзоқ қилиб, ошклар кўнглини овлаганидек, сен ҳам дунё воситаси билан ўзингга мойил инсонларни ҳидоят йўлига бошла.

Шақкарга узубатда нутқунг, не ажаб, кулса Ким, эринига эш бўлмиш ахлоқ аро шақкарханд.

Мазмуни: «Нутқинг ширинлиқда шақарнинг устидан кулса, ажаб эмас, чунки гўзал ахлоқ билан бирга, лабинга ширин табассум ҳам эш бўлмиш». Яъни, Мухаммад алайҳиссаломнинг ахлоқлари гўзал ва етук, сўзлари фасоҳату балоғат кони бўлибгина қолмай, у киши таъвозе соҳиб эдилар - лабларида ҳаммаша майин ва латиб табассум ўйнар эди. Пайгамбаримиз барча яхши ахлоқ ва эзгу инсоний фазилатлар жамулжами эдилар. Имом Термизий бу ҳақда: «Саййиди олам саллаллоху алайҳи вассалламнинг ахлоқи жамла ва одати шарифлари оламга машхурдир. Дўст ҳам, душман ҳам эътироф қилур. Бутун коинот санохони хулқи Мухаммадий эрур», - деб ёзади.

Йўқ бўлди каломингдин асфори само барча, Асфори самовийдин бўлган киби йўқ «Пожданд».

Мазмуни: «Сен келтирган китоб - Курьон туфайли қолган барча самовий китоблар йўққа чқиди. «Пожданд» ҳам нозил қилинмаганга ўхшаб қолди».

«Пожданд» зардуштийликнинг муқаддас китоби «Занд»га паҳлавий тилида ёзилган тафсир.

Не келса Навойига сендин юз эвурмаским, Ул заррадурур, сен - меҳр, ул - бандува сен - хованд.

«Навоийга сендан нимаики келса, юз йигирма маъди, чунки у бир зарра бўлса, сен - қуёш, у - бир қулу сен - хожадирсан».

Бошқа пайгамбарлар маълум бир қавмга юборилган бўлсалар, Мухаммад алайҳиссаломни Парвардигори олам бутун инсониятнинг ҳидоят йўлига бошлаш учун сайлаган. У зотнинг коинот сарвари, икки олам соҳибидеб улуғланиши шундан. Навоий ҳам Расулulloҳни қуёшга ва хожага нисбат берар экан, бунда унинг мўминлар қалбини илоҳий маърифат нури билан ёритиши ва жамийи мусулмон умматининг раҳнамоси эканлигини назарда тутди.

«Пайгамбарни севмоқ Оллоҳни севмоқдир», - дейди Жалолиддин Румий. Мухаммад алайҳиссаломни Оллоҳнинг ва инсониятнинг суюқлиси, икки олам машуғи, илоҳий ва дунёвий илмлар, эзгуликлар, гўзалликлар соҳибидеб сифатида улуғлаш орқали шоирлар айни пайтда Худованди каримга бўлган чексиз муҳаббатларини ҳам изҳор қилганлар.

Эргаш ОЧИЛОВ, филология фанлари номзоди.



Еш огир атлетикачиларимиз Таиландда бўлиб ўтган қитъа чемпионатида фар кучиб, мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллигига ажойиб ғалабани тўхфа этдилар. 4 та олтин, 5 та кумуш ва 3 та бронза медалларини кўлга киритган вакилларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Кунни кеча голиб спортчиларимизни Тошкент аэропортида мутасаддилар, ота-оналар ва мухлислар кўлда гул, юзда табассум билан қутиб олдилар.

Суратда: Осиё чемпионати голиб ва совриндорлари пойтахт аэропортида.

А.РИСКЬЕВ (ЎЗА) олган сурат.

«СОҒЛОМ ОИЛА» МАРКАЗИ

Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани ҳокимлигининг Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мажмуи ҳамда хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан «Соғлом оила» маркази очилди.

Оилада тинчлик, тотувлик, осойишталикнинг ҳукмрон бўлиши кўпроқ хотин-қизларга боғлиқ. Улар йўқдан бор қилиб, борини тежаб-тергаб оиланинг кут баракали ва файзли бўлишига ҳисса қўшадилар. Шуларни инобатга олган ҳолда бундан уч йил муқаддам қизларни оилага тайёрлаш, касб-хунарга йўналтириш, уй бекалари, умуман аёлларимизнинг оиладаги мавқеини янада ошириш мақсадида пойтахтимизда «Соғлом оила» маркази иш бошлаган эди. Ўтган давр мобайнида бу ерда икки минг нафардан зиёд қизлар турли хунарларни ўрганишди.

Эндиликда пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманида ҳам шундай марказ фаолият кўрсата бошлади. Марказда туман ҳудудида истиқомат қилаётган хотин-қизлар ўз тиббий са-водхонликларини оширишлари, пазандалик, бичиш-тиқиш ишларини чуқур ўрганишлари мумкин. Шунингдек, бу ерда сартарошлик, рақс санъати гуруҳлари ҳам фаолият кўрсатади.

НАФИС ЧИННИЛАР ЖИЛОСИ

Чинни азалдан нафислик рамзи бўлган. Шу боис бир-бирдан чиройли, бетакрор, бежирим, ранг-баранг чинни буюмлар доим кадрланади.

Қадимда Хитой чинчилари, айниқса, довр уг таратган. Ўтган асрнинг 50-йилларида қадар ўлкамизга бундай буюмлар, асосан, Хитой ва Россиядан келтирилган. Кейинчалик Тошкент, Самарқанд ва Қувасой чинни ишлаб чиқариш корхоналари ишга тушди.

Бугунги кунда мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган чинни маҳсулотлар Европа ва Осиё буюмлари билан бемалол рақобатлаша олади. Ўзбекистон чинчилари нафислиги, шарқона сержилолиги билан ажралиб туради.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясига қарашли Самарқанддаги «Нафис» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти ишлаб чиқараётган чинни буюмлар ҳам юқори баҳоланмоқда.

- Илгари кўпдан-кўп харажатлар авазига хомашэ

Республикаимиз пойтахтида фаолият кўрсатаётган Сергей Есенин уй-музейи ташкил топганига ўн йил бўлди. Бу орада унинг экспонатлари сони янада ортиб, кўпчилик шеърят мухлисларининг севимли жойига айланди.

ЕСЕНИН УЙ МУЗЕЙИ

Музей ходимлари шоир ижодий меросини айниқса С.Есениннинг Тошкентдаги фаолиятини тарғиб қилиш борасида ҳам кўп иш қилдилар. Адабий кечалар ва учрашувлар ташкил этилди.

Яқинда музейнинг ўн йиллиги муносабати билан катта адабий кеча ўтказилди. «Тошкент трактор заводи» маданият уйида ўтказилган тадбирда сўзга чиққанлар шоир мероси ёшлар маънавиятида муҳим ўрин тутаятганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Тошкентдаги рус маданияти маркази кўмагида уюштирилган бу кечада С.Есенин шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар ҳам ижро этилди.

Акбар АЛИЕВ.



Китоб туман туғруқхонасига «Она ва болага дўстона муносабатли туғруқхона» мақоми берилган. Сабаби барча қулайликларга эга мажмур туғруқхона шифокору ҳамширалари оналар ва болалар саломатлиги йўлида фидойилик билан меҳнат қилишмоқда.

Суратда: малакали шифокорлар Мақсуда Собирова ва Юлдуз Суярова. Шавкат СУЛТОН олган сурат.

ХОНАКИ ИЧИМЛИКЛАР

чанқоғингизни босишдан аввал бир ўйлаб кўринг

Ёз фаслида минтақамизда ўткир ошқозон-ичак касалликлари бўйича эпидемиологик вазият вужудга келади. Республикаимизда май ойидан бошлаб барча жойларда узлуксиз иш олиб борадиган штаблар ташкил қилиниб, ушбу касалликларни олдини олиш борасида тегишли чоралар кўрилмақда.

Таъкидлаш керакки, ошқозон-ичак касалликлари мавсумий бўлиб, асосан болалар ва ўсмирларда учрайди. Маълумки, ёз фаслида кишилар сув ҳавзаларига чўмилишга, дам олишга интилишди. Айниқса, болалар ва ўсмирлар сув ҳавзаларининг қай аҳвол-далигини ҳисобга олмай чўмиллавердилар. Натижада ифлос сув орқали касалликка чалинишди. Бундан ташқари,

Эҳтиёт-шарт маслаҳатлар

ёзнинг жазирама кунларида ичимликларга бўлган талаб янада ортади. Ташна пайтда кўп ҳолларда турли хонаки ичимликлар ва ўрик шарбатлари истеъмол қилинади. Кўлбола ичимликларнинг гиёна қодаларига қай даражада жавоб беришини эса ўйлаб ҳам ўтирмаймиз. Ўткир ичак касалигига чалинган беморларнинг ҳарорати кўтарилди, қуввати камаяди, қайд қилиши ҳамда ич кетиши кў-

затилади. Жорий йилда республикаимиз бўйича ушбу касаллик билан 12 минг 670 нафар киши касалланди. Уларнинг 80 фоизини аёллар ва ўсмирлар ташкил этади. Яъни, беморларнинг сони ўтган йилга нисбатан икки минг нафарга камайган. Бу касалликка нисбатан бепарво бўлишга йўл қўймайди. Ҳар бир киши ўзи-ўзини эҳтиёт қилиши, соғлигини асраши лозим.

Эшитдингизми, ўқидингизми?

САНТИНИ — БОШ МУРАББИЙ

Жанубий Корея ва Японияда бўлиб ўтган сўнги жаҳон чемпионатидаги ўта муваффақиятсиз иштирокидан сўнг Франция терма жамоаси бош мураббийи Роже Лемернинг истеъфога чиқарилиши барчага аниқ бўлса-да, бу лавозимга ким лойиқ қўрилиши ҳалигача сўроқ остида қолаётган эди. Чунки «уч ранглилар»га мураббийлик қилиш учун Филип Труссье, Раймонд Доминик, Рене Жерар ва Жак Сантини каби танқил мутахассислар даъвогарлик қилаётган эдилар.

Ниҳоят, яқинда собиқ жаҳон ва Европа чемпионлари бош мураббий тайинланди. «Лион» командасини мамлакат чемпионлигига олиб келган Жак Сантини бош мураббийлик лавозимини эгаллади. Сантини бошчилигидаги жамоа илк расмий учрашувини тунисликларга қар-

ши ўтказди. Шунингдек, Япония терма жамоаси ҳам ўзига янги мураббий сайлади. Мамлакат футбол ассоциацияси йиғилишида бразилиялик машур «чарм тўп» устаси Зико биринчи августдан бошлаб янги жамоасида иш бошлайдиган бўлди.

СУПЕРКУБОК «СУВОН»ДА, ЛЕКИН...

Осиё чемпионлар кубоги мусобақаларининг ярим финал баҳсларида Қаршининг «Насаж» жамоасидан устун келган «Сувон Самлу Блюингс» (Жанубий Корея) клуби сўнги бор ўтказилган қитъа суперкубогини кўлга киритди. Саудия Арабистонининг «Ал-Хилол» жамоасини икки ўйин натижасига кўра мағлуб этган жанубий корейликлар қитъамизнинг энг кучли клубига айланди. Шуниси қизиқки, «Сувон» энг кучли деб топилса-да, яқин кунларда илк марта ташкиллаштирилади-

ган Осиё суперлигаси ўйинларида иштирок эта олмайдди. Негаки, жамоа бу йил Корея чемпионлигини ҳам, мамлакат кубогини ҳам кўлга кирита олмаган.

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Шу йилнинг октябр ойида Индонезияда ўтказилган мини футбол бўйича навбатдаги қитъа биринчилигига қуръа ташланди. Унга кўра 14 та терма жамоа 3 гуруҳга бўлинган ҳолда голиблик учун кураш олиб боради. «В» гуруҳидан жой олган вакилларимиз Эрон, Таиланд, Малайзия ва Туркманистон терма жамоалари билан баҳсларда қатнашишса, «А» гуруҳида Жанубий Корея, Тожикистон, Вьетнам, Таиланд ҳамда Ирок мини футболчилари тўп сурадилар. Сўнги, учинчи гуруҳдан эса Хитой, Қирғизистон, Қувайт, Япония ва Индонезия вакиллари жой олган.

ISHONCH
Муассис:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширди - 21.00

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ. Сотувда эркин нарҳда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.